

ошириш, барча манфаатдор томонларни жалб қилиш ва солиқ маъмуриятчилигининг имкониятларидан фойдаланиш орқали Ўзбекистон янада барқарор иқтисодий келажак сари бо-

риши мумкин. Норасмий иқтисодиётни йўқ қилиш йўли динамик жараён бўлиб, барқарор муваффақият учун доимий мослашиш ва баҳолаш муҳим бўлади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Lautier, B. (1990). *La girafe et la licorne: du secteur informel au système d'emploi en Amérique latine [Rapport de recherche].* Ministère de l'Education Nationale, Informalité, formation et emploi: une comparaison entre la Colombie et le Nordeste Brésilien, rapport collectif GREITD/MEN.
2. Charmes, J. (2016). *The informal economy: What is it? Where does it come from? How big is it? Why is it growing? How to tackle it? Research, network and support facility, volume 2 –definition of the informal economy.* ARS Progetti.
3. ILO (2018). *Women and men in the informal economy: A statistical picture (3rd ed.).* International Labour Office.
4. Schneider, F. (2005). *Shadow economies around the world: What do we really know?* *European Journal of Political Economy*, 21, 598-642.
5. Dell'Anno, R. (2007). *The shadow economy in Portugal: An analysis with the MIMIC approach.* *Journal of Applied Economics*, 10(2), 253-277.
6. Chen M. & Carré F. (Eds.). (2020). *the informal economy revisited.* Routledge.
7. Harriss-White, B. (2020). *India's informal economy. Past, present and future.* In M. Chen & F. Carré (Eds.), *The informal economy revisited* (pp. 38-44). Routledge.
8. Goel, R.K., & Nelson, M.A. (2016). *Shining a light on the shadows: Identifying robust determinants of the shadow economy.* *Economic Modelling*, 58(C), 351-364.
9. Wilson, T.D. (2010). *An introduction to the study of informal economies.* *Urban Anthropology and Studies of Cultural Systems and World Economic Development*, 39(4), 341-357.



ЭКСПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА МУҚОБИЛ МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахмаджанов Азимжон Хасанбой ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Жаҳон иқтисодиёти кафедраси
катта ўқитувчиси

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a25

Аннотация. Мақолада экспорт операцияларини молиялаштириш тизимидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, хусусан, ички манбалар маблағлари ўрнига халқаро молия ташкилотларининг савдони молиялаштириш дастурлари имкониятларидан фойдаланишнинг зарурати кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: экспорт операциялари, молиялаштириш манбалари, халқаро молия ташкилотлари.

ПУТИ ПРИМЕНЕНИЯ АЛЬТЕРНАТИВНЫХ ИСТОЧНИКОВ ПРИ ФИНАНСИРОВАНИИ ЭКСПОРТНЫХ ОПЕРАЦИЙ

Ахмаджанов Азимжон Хасанбой ўғли
Старший преподаватель кафедры
“Мировая экономика” Ташкентского
государственного экономического университета

Аннотация. В данной статье указана необходимость решения одной из наиболее актуальных проблем в финансировании экспортных операций – диверсификация источников финансирования, в частности, использования возможности программ торгового финансирования международных финансовых институтов вместо внутренних источников.

Ключевые слова: экспортные операции, источники финансирования, международные финансовые институты.

WAYS OF USING ALTERNATIVE SOURCES IN FINANCING EXPORT OPERATIONS

Akhmadjanov Azimjon Khasanboy ugli

Senior Lecturer of the Department of World Economy

Tashkent State University of Economics

Abstract. *The article shows one of the most urgent issues in the export financing system – diversification of funding sources, in particular, exploiting the opportunities of trade finance programs of international financial institutions instead of internal funding sources.*

Key words: *export operations, funding sources, international financial institutions.*

Кириш. Сўнги йилларда республика-мизда амалга оширилган кенг қўламли иқтисодий ислохотлар натижасида ташқи савдо соҳаси буткул эркинлаштирилиб, миллий иқтисодий сиёсатда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тамойилининг ўрни мустаҳкамланди. Хусусан, мазкур тизимли ислохотлар доирасида республика-мизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун экспорт божларини ундириш, махсус товарлар ва стратегик хомашёлар экспорти лицензиялаш ва квоталаш, экспортдан тушган валюта тушумларини мажбурий сотиш ҳамда маҳсулотлар импорти учун миқдорий квота ва чекловларни қўллаш амалиёти бутунлай бекор қилинди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини эркин юритишига энг катта тўсиқ ҳисобланган марказлаштирилган экспорт тизими тамоман тугатилиб, тадбиркорлик субъектларига ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниялар иштирокисиз бевосита экспорт фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилди.

Бундан ташқари миллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, уларнинг мазкур бозорларда рақобатбардошлигини ошириш ҳамда харидор мамлакатлардаги импорт талабларини бажаришда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга қўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4069-сонли қарорига асосан экспортни комплекс қўллаб-қувватлаш миллий тизими жорий қилинди.

Ҳозирда мазкур миллий тизим томонидан экспортчи корхоналарга 5 млн. АҚШ долларигача бўлган миқдорда экспорт олди кредит маблағларини тақдим қилиш, экспорт ташувларидаги транспорт харажатларининг 70 фоизгача бўлган қисмини қоплаб бериш, халқаро сертификат ва стандартларни жорий қилиш, миллий маҳсулотларни ташқи бозорлардаги ваколатли давлат органларида рўйхатдан ўтказиш, нуфузли халқаро кўргазма ва

ярмаркалар, йирик халқаро тендерлар ва бизнес-миссияларда иштирок этиш, хорижда реклама кампанияларини ўтказиш ҳамда хориждаги савдо омборлари ва савдо уйлари сақлаш харажатларини қоплаб бериш сингари молиявий ёрдам турлари кўрсатиб келинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, хорижий харидор билан ўзаро ишонч ва сифатга асосланган узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ҳалол ва масъулиятли етказиб берувчи сифатида ташқи бозорларда ижобий имижни шакллантиришда экспортчи корхоналарнинг ташқи савдо шартномаларида кўзда тутилган молиявий-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлақонли бажаришлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан экспортчи корхоналарга ташкилий-ҳуқуқий қўмак билан бир қаторда юқорида санаб ўтилган молиявий ёрдам турларини, хусусан, экспорт шартномасида кўзда тутилган товарларни ишлаб чиқариш ва экспортга тайёрлаш учун талаб этиладиган экспорт олди молиялаштириш маблағларини тақдим қилиш тизими йўлга қўйилди.

Бироқ кўрсатилаётган мазкур молиявий ёрдамга қарамасдан, республика-мизда янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сонининг мунтазам ортиб бораётгани ҳамда ушбу корхоналарнинг аксарияти экспорт фаолиятига кенг жалб қилинаётгани сабабли уларнинг ишлаб чиқариш жараёнини айланма маблағ билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу боис тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо операцияларини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш орқали ички манбаларга, хусусан, тижорат банклари ва давлат бюджети маблағларига бўлган қарамликни кескин камайтириш зарурати юзага келмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Экспорт фаолиятининг зарур молиявий ресурс билан таъминланмаслиги макродаражадаги салбий оқибатларга олиб келиши илмий жи-

хатдан бир қатор назариялар билан исботлаб берилган. Хусусан, экспорт операцияларини молиялаштиришдаги маблағ танқислиги пул-кредит тизими, истеъмол нархлари, ишлаб чиқариш ва аҳоли даромадларига бевосита таъсир кўрсатиши кўплаб илмий тадиқиқотлар ва адабиётларда ўз аксини топган.

Хусусан, Оксфорд университети олимлари Б.Яворчик ва Б.Демир тижорат банклари томонидан корхоналарнинг экспортни молиялаштиришга бўлган эҳтиёжнинг қондилмаслиги оқибатида мамлакатнинг тўлов балансида мусбат сальдо юзага келишини, Жанубий Австралия университети олимлари Т.Каволи, С.Гопалан, К. Редди, Д.Лин ва Ф.Абеддин эса экспорт операцияларини молиялаштириш воситаларини кенгайтириш глобал миқёсида бозор тўйиниши, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги ва аҳоли даромадлари ортишига хизмат қилишини аниқлади.

Жаҳон савдо ташқилоти экспертлари М.Обон ва А.Дикаприонинг илмий изланишлари хўжалик юритувчи субъектларда экспорт операцияларини молиялаштириш манбаларининг чекланганлиги аҳолининг реал даромадлари камайиши, истеъмол сектори инфляцияси ҳамда хусусий секторнинг молиявий кучсизланишига олиб келишини кўрсатди.

Шунингдек, Оксфорд университетининг яна бир олими Т.Шмидт-Ейзенлор ташқи савдо операцияларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини тадқиқ этиб, импорт ва экспорт операцияларини молиялаштириш ҳажмлари мувофиқлаштирилмаслиги ташқи бозорга қарамлик даражасининг ортишига ёки истеъмол секторида муайян товарларнинг жиддий етишмовчилиги юзага келишига сабаб бўлишини эконометрик усуллар орқали исботлаб берди.

Халқаро валюта жамғармаси эксперти Ж.Ан экспорт ва импорт операцияларини молиялаштиришнинг иқтисодиёт ва савдо тизимига ялпи таъсири назариясини ишлаб чиқди. Унинг назариясига кўра, экспорт ва импорт операцияларини молиялаштиришда ўзаро мувофиқлик ва мувозанатни таъминлаш маслиги дастлаб ташқи савдо балансида йирик салбий сальдо юзага келишига, кейинчалик жиддий савдо инқирозига олиб келади. У таклиф этган эмпирик модель инқирозни башорат қилиш ва тахминий таъсирини аниқлаш имконини беради.

Германия тараққиёт институти тадқиқотчилари К.Бранди ва Б.Шмиц эркин ташқи савдо тизимига эга мамлакатларда экспорт операцияларини молиялаштириш ташқи сав-

до айланмаси ўсишини рағбатлантиришини миқдорий усулларини ишлаб чиқди.

Шунингдек, америкалик олим И.Лав ташқи савдо операцияларини молиялаштиришда давлат иштирокининг аҳамиятини таҳлил қилиб, давлатнинг маъмурий ва молиявий қўллови ташқи савдо ва ишлаб чиқариш соҳаси барқарорлигига “мультипликатор” самарасини беришини аниқлади. Унинг фикрича, давлат томонидан енгиллик ва молиявий ёрдам берилиши иқтисодиётда қўшилган қиймат занжири ва истеъмол соҳасини сезиларли даражада фаоллашишига сабаб бўлади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг Ж.Клерк бошчилигидаги экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар ташқи савдо операцияларини молиялаштиришда юзага келаётган янги риск йўналишларини ҳамда уларнинг савдо кредити бозорига таъсири ва минималлаштириш йўллари кўрсатиб берди. Жумладан, мазкур тадқиқот натижалари иқтисодий глобаллашув натижасида ривожланган мамлакатлардаги ишлаб чиқариш қувватлари экспортга қарам бўлиб қолаётгани, ҳозирда молиявий, тижорий ва сиёсий риск билан бир қаторда репутацион риск ҳам корхоналарнинг халқаро бозордаги фаолиятига раҳна солаётганини очиб берди. Халқаро бозорда обрўсизланган компанияларнинг, бир томондан фонд бозорларидаги қимматли қозғолари нархи бир зумда номинал ва ундан паст қийматга тушиб кетаётган бўлса, иккинчи томондан халқаро бозордаги мижозларнинг ишончи пасайиши кузатилмоқда. Натижада банклар томонидан барқарорлик даражасидан қатъи назар корхоналарнинг ташқи савдо операцияларини кредитлашмаслик ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Тадқиқот методологияси. Ушбу илмий мақолада эмпирик, ретроспектив, проспектив, вазиятли (ситуацион) ва компаратив таҳлил усуллари қўлланилган. Хусусан, мақолада сўз юритилган муаммонинг долзарблиги ситуацион таҳлил орқали ёритиб берилган бўлса, ретроспектив ва проспектив таҳлил ёрдамида ташқи савдо сиёсатининг ўзгариш тарихи ва истиқболлари кўрсатилган. Шу билан бирга, компаратив усул билан экспорт операцияларини молиялаштиришнинг муқобил манбалари ўртасидаги мавжуд тафовутлар ва афзалликлари таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Ташқи савдо операцияларини молиялаштириш муаммоси экспортга йўналтирилган иқтисодий тизимни жорий қилган барча мамлакатлар учун уму-

мий бўлиб, жаҳонда тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо операцияларини молиялаштириш учун маблағга бўлган йиллик эҳтиёжи 1,7 трлн. АҚШ долларини ташқил қилмоқда[13].

Шу боисдан улар фаол равишда экспортчи корхоналарга молиявий кўмак кўрсатишда муқобил манбалардан фойдаланиш орқали тижорат банкларининг ресурсга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда хорижий харидорлар билан ўзаро молиявий мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлақонли бажаришда кўмаклашиш чораларини кўрмоқда.

Жумладан, улар ўзлари аъзо бўлган халқаро молия ташкилотлари томонидан йўлга қўйилган савдони молиялаштириш дастурларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Қайд этиш лозимки, ушбу дастурларда иштирок этиш бепул бўлса-да, республикамиздаги тижорат банкларининг атиги бир нечтасигина уларда қатнашмоқда. Боз устига, ушбу тижорат банкларининг аксарияти фақат тасдиқловчи банк сифатида иштирок этиб, дастур имкониятларидан импорт операцияларини молиялаштиришда фойдаланиб келмоқда.

Хусусан, Жаҳон банки гуруҳи таркибидаги Халқаро молия корпорациясининг савдони молиялаштириш дастури аккредитив, олдиндан тўлов, тижорий векселлар, турли қарз мажбуриятлари, бўнак, гаров таъминоти ҳамда экспортчи корхонанинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хомашё ва материаллар импорти учун савдо кредитларига 100 фоизгача кафолат тақдим этади. Шунингдек, тижорат банкларини экспортолди молиялаштириш учун қисқа муддатли арзон кредит ресурслари билан ҳам таъминлайди. Бундан ташқари корпорация экспорт кредити рискнинг 50 фоизгача бўлган қисмини ўз зиммасига олади.

Бугунги кунда ушбу дастур доирасида Халқаро молия корпорацияси 68,0 мингдан ортиқ ташқи савдо шартномаси бўйича 66,5 млрд. долларлик операцияларни молиялаштирган[14].

Ҳозирда республикамиздаги 4 та тижорат банки эмитент сифатида ушбу дастурда иштирок этаётган бўлса, бирорта банк тасдиқловчи сифатида иштирок этмаяпти (1-жадвал).

1-жадвал

Халқаро молия корпорациясининг савдони молиялаштириш дастурида иштирок этаётган тижорат банклари

Эмитент банклар	Тасдиқловчи банклар
“Асакабанк” АЖ	Мавжуд эмас
“Ҳамкорбанк” ЧЭКИ АТБ	
“Ипак Йўли” АТИБ	
“Ўзсаноатқурилишбанк” АЖ	

Манба: Халқаро молия корпорацияси, 2023 й.

Осиё тараққиёт банки экспортчи корхоналарга кредит линиялари, банк кредитлари учун гаров, кафиллик, рискни бўлишиш ва қўшма молиялаштириш орқали экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, аккредитивга 100 фоизгача кафолат, айланма маблағлар учун револьвер кредити ресурслари, тўлов мажбуриятини бажармаслик рискнинг 85 фоизгача бўлган қисмини зиммасига олиш ҳамда суғурта компаниялари ва экспорт кредит агентликлари ўртасида рискни тақсимлаш шартномалари тузиш орқали экспортчи корхоналарга молиявий кўмак кўрсатмоқда.

Осиё тараққиёт банки ушбу дастур доирасида жами 64,8 млрд. долларлик 55,6 мингта ташқи савдо шартномаси бўйича кафолат тақдим қилган ҳамда риск тақсимоти асосида 39,4 млрд. долларлик қўшма молиялаштиришни амалга оширган[15]. Ҳозирда мазкур

дастур имкониятларидан Арманистон, Бангладеш, Покистон, Шри Ланка ва Вьетнам фаол фойдаланиб келмоқда.

Бугунги кунда дастурда 21 та мамлакатнинг 247 та тижорат банки иштирок этаётган бўлиб, шундан 79 та банк эмитент ва 168 та банк тасдиқловчи вазифасини бажармоқда. Тижорат банкларидан дастурда иштирок этганлик учун тўлов ундирилмаса-да, республикамиздаги 11 та тижорат банки эмитент ва 2 та тижорат банки тасдиқловчи банк сифатида қатнашиб келмоқда (2-жадвал)[16].

Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг савдони молиялаштириш дастури доирасида аккредитив, қизил ҳошияли аккредитив бўйича аванс тўловлари, тўлов муддатини узайтириш, олдиндан тўловни тўлаб бериш, тижорий векселлар, қарз мажбуриятлари, закат ҳамда гаров таъминотига 100 фоизгача кафолат тақдим этилади.

**Осиё тараққиёт банкининг савдони молиялаштириш дастурида
иштирок этаётган тижорат банклари**

Эмитент банклар	Тасдиқловчи банклар
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
“Асакабанк” АЖ	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
“Ипотека-банк” АТИБ	
“Агробанк” АТБ	
“Алоқабанк” АТБ	
“Ипак Йўли” АТИБ	
“Invest Finance Bank” ЧЭКИ АТБ	
“Asia Alliance Bank” АТБ	
“Туронбанк” АТБ	
“Ўзсаноатқурилишбанк” ЧЭКИ АТБ	
“Давр банк” ХАТБ	

Манба: Осиё тараққиёт банки, 2023 й.

Шунингдек, дастур доирасида ЕТТБ экспортчи корхоналарни кредитлаш мақсадида тижорат банклари ва факторинг компанияларига нақд шаклдаги ресурс тақдим этиш, сиёсий ва тижорий риск сабабли экспорт қилинган маҳсулот учун тўлов келиб тушмаслик ёки дебитор қарздорлик рискларини зиммасига олади. Бу хизматлар учун экспортчи корхоналардан тўлов ундирилмайди. Банк ушбу дас-

тур доирасида жами 15 млрд. евролик 20,0 мингта ташқи савдо операциялари учун кафолат тақдим қилган. Ҳозирги кунда дастурда 26 та мамлакатда 100 дан зиёд эмитент ва 800 дан ортиқ тасдиқловчи банклар мавжуд. Республикада фақатгина 7 та тижорат банки эмитент ҳамда 4 та банк тасдиқловчи сифатида дастурда иштирок этиб келмоқда (3-жадвал).

**Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг савдони молиялаштириш дастурида иштирок
этаётган тижорат банклари**

Эмитент банклар	Тасдиқловчи банклар
“Миллий банк” АЖ	“Миллий банк” АЖ
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
“Асакабанк” АЖ	“Ипотека-банк” АТИБ
“Ипотека-банк” АТИБ	“KDB Uzbekistan” АЖ
“Ипак Йўли” АТИБ	
“Ўзсаноатқурилишбанк” ЧЭКИ АТБ	
“KDB Uzbekistan” АЖ	

Манба: Европа тикланиш ва тараққиёт банки, 2023 й.

Ислом тараққиёт банки таркибидаги Халқаро ислом савдо молияси корпорацияси, Ислом вақфи жамғармаси ва Ислом бирдамлик жамғармаси экспорт савдо операцияларини ислом молияси тамойиллари асосида қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади. Банк томонидан қуйидаги моливий кўмак турлари кўрсатиб келинмоқда:

– *муробаҳа* – корпорация экспортчидан товарни сотиб олади ва маълум ҳақ эвазига бўлиб тўлаш ёки кечиктириб тўлаш шарт билан импортчига қайтариб сотади;

– *истисно* – харидор экспортчига товарга олдиндан буюртма бериб, нархини аниқ келишиб олади ва товарни ишлаб чиқариш жараёнини молиялаштириб боради. Товар

тайёр бўлганидан кейин экспортчи бозордаги нархдан қатъий назар аввал келишилган нархда харидорга сотиш мажбуриятини олади. Истисно битимида корпорация харидор номидан товарни ишлаб чиқариш харажатларини қоплаб бериб, экспортчинини айланма маблағ билан таъминлайди;

– *ижара* – экспортчи корхонанинг ишлаб чиқариш учун зарур активларини банк сотиб олади ва корхонага актив қийматининг 1,5 фоиз миқдоридаги йиллик ижара ҳақини тўлаш шарт билан 20 йил муддатга (5 йиллик имтиёзли давр) ижарага беради. Ижара муддати тугаганидан сўнг банк сотиб олинган активни корхонага туҳфа сифатида тақдим этади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ташқи савдони молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. Халқаро молия ташкилотларининг республикамиздаги ваколатхоналари билан савдони молиялаштириш дастурларининг шартлари, талаблари ва тартибларини келишиш ҳамда дастур имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш.

2. Республикамиздаги халқаро ўтказмаларни қабул қилиш ва валюта операцияларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган барча тижорат банкларини халқаро молия ташкилотла-

рининг савдони молиялаштириш дастурларида иштирок этишга кенг жалб қилиш.

3. Савдони молиялаштириш дастурлари доирасида таклиф этилаётган молиялаштириш воситаларларидан фойдаланиш имкониятларини ташқи савдо операциялари иштирокчилари орасида кенг тарғиб қилиш, шунингдек, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида керакли қулайликларни жорий қилиш.

4. Халқаро молия ташкилотлари ва республикамиз ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликнинг асоси ҳисобланувчи “мамлакат билан ҳамкорлик стратегиялари”да ташқи савдо операцияларини молиялаштириш инструментларидан фойдаланишга оид ташаббусларни илгари суриш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6091-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/5060630>).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга қўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4069-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/4116006>).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 826-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/5193568>).

4. Demir, B. and Javorcik, B. Trade finance matters: evidence from the COVID-19 crisis. *Oxford Review of Economic Policy*, Volume 36, Issue Supplement_1, 2020, Pages S397-S408. DOI <https://doi.org/10.1093/oxrep/graa034>

5. Brandi, C. & Schmitz, B. 2015. Trade flows in developing countries: what is the role of trade finance? *IDOS Discussion Papers 13/2015*, German Institute of Development and Sustainability (IDOS).

6. Auboin, M. & DiCaprio, A. 2016. Why do trade finance gaps persist: Does it matter for trade and development? *WTO Staff Working Papers ERSD-2017-01*, World Trade Organization (WTO), Economic Research and Statistics Division.

7. Kim, K., Beck, S., Latoja, M. and Tayag, M. 2021. Trade Finance Gaps, Growth, and Jobs Survey. *ADB Briefs*, No 192, October 2021.

8. Gugelmann, C. & Vieira, E. How Investing in Trade Finance Can Be Profitable and Help SMEs Thrive. *World Economic Forum*. Jun 23, 2022.

9. Schmidt-Eisenlohr, T. (2013). Towards a Theory of Trade Finance. *Journal of International Economics*, 91(1), 96-112.

10. Love, I. (2012) *The Evidence and Impact of Financial Globalization*, 1 ed., Elsevier.

11. *Bank for International Settlements. (2014) Committee on the Global Financial System Papers*, No. 50.

12. Ahn, J. (2011) *A Theory of Domestic and International Trade Finance*. *IMF Working Papers*. Vol 201, No. 262.

13. Kijin Kim, Steven Beck, Ma. Concepcion Latoja, and Mara Claire Tayag, “2021 trade finance gaps, growth, and jobs survey,” *ADB Briefs*, Number 192, October 2021, adb.org.

14.

https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/industry_ext_content/ifc_external_corporate_site/financial+institutions/priorities/global+trade/gtfp

15. <https://www.adb.org/what-we-do/trade-supply-chain-finance-program/main>

16. <https://www.adb.org/what-we-do/trade-supply-chain-finance-program/tf#join-tf>